O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ DEPUTATLARI
NAVOIY VILOYATI
NUROTA TUMANI
KENGASHI
Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
Р Е Ш Е Н И Е
КЕНГАША НАРОДНЫХ
ДЕПУТАТОВ
НУРАТИНСКОГО РАЙОНА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

"18" декабр 2019 й. **№ LIX/288** **Nurota t.**

Нурота туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган "2020 йил учун Ўзбекстон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги ЎРҚ-589-сонли Қонунига (Кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2020 йилдан бошлаб Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда эркинликлар берилиб, солиқлар ва йиғимлар бўйича ставкаларини белгилаш, маҳаллий бюджети харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур Қонуннинг 3, 18, 19, 20, 21-моддаларига мувофиқ,Ўзбекистон Республикаси Махаллий давлат хокимияти тўғрисидаги Қонуннинг 6, 24-моддаларига асосан 2020 йил учун Нурота тумани бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Нурота тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида" ги ЎРҚ-589-сон Қонуни ижро ва маълумот учун қабул қилинсин.
2. Навоий вилояти Халқ депутатлари Кенгашининг 2019 йил 16 декабрдаги "Навоий вилояти 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги 59/379-сонли қарорига асосан Нурота тумани (Кейинги ўринларда - Туман деб аталади) бюджетига Навоий вилояти бюджетидан ажратилган:

- тартибга солувчи бюджетлараро трансферт **49 560 651,0 минг.сўм** миқдорида тасдиқланганлиги;
- туман бюджетининг айланма касса маблағи **465 971,0 минг.сўм** миқдорда белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қонунга асосан 2020 йилда:

а) қуйидаги солиқ турлари туман бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;
- жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;
- цемент ва оҳактошдан ташқари, алоҳида норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

– қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно.

– айланмадан солиқ.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тушумларнинг (жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлар бўйича декларацияга асосан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинган 70 фоиз миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда юридик шахслардан олинадиган фойда солиқлари (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) шаҳар ва туманлар ўртасида тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин

б) мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкогол махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

4. Қонунга асосан туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги орқали (ушбу муассасаларнинг тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишли туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади;

б) қуйидаги харажатлар туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштиришга ўтказилади:

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган ижтимоий нафақаларни тўлаш харажатлари;

– давлат санитария-эпидемиология назорати туман ва шаҳар марказларини сақлаш харажатлари.

5. 2020 йилги туманнинг ялпи ҳудудий маҳсулот бўйича прогноз кўрсаткичлари 1-иловага ҳамда 2020 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлар прогнози 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

6. Туман бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

8. 2020 йил учун Туман бюджети захира жамғармаси ҳажми **1 109 402,0 минг. сўм** миқдорида белгилансин.

Туман бюджети захира жамғармаси маблағларини кечиктириб бўлмайдиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларини шакллантиришда олдиндан назарда тутиб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилади.

9. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 2-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

10. Туман бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли туман Кенгаши томонидан туман ҳокимлигининг таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш мақсадида қабул қилинади.

Туман ҳокимлиги туман бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиради.

Туман ҳокими фавқулодда вазиятларда ва шунга ўхшаш кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши талаб этиладиган ҳолларда ишлатилган маблағлар тўғрисида халқ депутатлари туман Кенгашига ҳисобот бериш шарти билан қўшимча манбаларни йўналтириш бўйича қарорлар қабул қилади.

11. Туман ҳокимлиги, туман молия бўлими:

- ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларини режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олсин;

- туман бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қуриш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар туман ҳокимлиги томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириб борсин.

12. Халқ депутатлари туман Кенгаши тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитишга ҳақли.

13. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

14. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **У.Халилов**

Халқ депутатлари Нурота тумани
Кенгаши 2019 йил 12 декабрдаги
21/288 сонли қарорига
1-илова

№	Кўрсаткичлар	2020 йил учун прогноз
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	-
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	-
3.	Истъемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	-
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	102,3
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	104,6
6.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	102,6

Халқ депутатлари Нурота тумани
Кенгаши 2019 йил 18 декабрдаги
LIX/288 сонли қарорига
2-илова

Нурота туман маҳаллий бюджети даромадларининг 2020 йилги асосий прогноз кўрсаткичлари

Т/Р	Даромад турлари	Миқдори (минг сўмда)
	ЖАМИ	**25 508 900,0**
1	Фойда солиғи	875 000,0
2	Айланмадан солиқ	5 300 000,0
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	6 900 000,0
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	450 000,0
5	Акциз солиғи, жами	7 351 900,0
	шу жумладан:	
	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	*4 719 922,0*
	Мобил алоқага акциз солиғи	*2 631 978,0*
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 800 000,0
8	Юридик шахслар ер солиғи	
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	1 300 000,0
10	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	120 000,0
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	700 000,0
12	Давлат божи	
13	Жарималар	
14	Ижара тўлови	12 000,0
15	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	
16	Йиғимлар	700 000,0

Халқ депутатлари Нурота тумани
Кенгаши 2019 йил 18 декабрдаги
21/288 сонли қарорига
3-илова

Туман бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари

№	Кўрсаткичлар	Миқдори (минг сўмда)
	Харажатлар миқдори, Жами	**75 069 551,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**71 303 192,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
	Индексация харажатдари	**3 766 359,0**
1.	**Халқ таълими бўлими**	**5 177 383,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 177 383,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
2.	**Мактабгача таълим бўлими**	**4 332 759,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 332 759,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
4.	**Тиббиёт бирлашмаси**	**32 639 306,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	32 639 306,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
5.	**Маданият бўлими**	**2 689 307,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 689 307,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
6.	**Жисмоний тарбия ва спорт бўлими**	**1 541 202,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 541 202,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
7	**Қишлоқ хўжалиги бўлими**	**388 351,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	388 351,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция	0,0

8	**Бандлик ва меҳнат муносабатлари бўлими**	**653 423,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	653 423,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
9	**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими**	**875 734,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	875 734,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
10	**Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши**	***325 585,0***
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	325 585,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
11	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**8 557 974,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 557 974,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
12	**Ҳокимият**	**12 670 318,0**
	шу жумладан:	*0,0*
	жорий харажатлар	12 670 318,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
13	**Молия бўлими**	**4 683 941,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	917 582,0
	Индексация харажатдари	3 766 359,0
14	**Пенсия жамғармаси худудий бўлими**	**534 268,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	534 268,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Халқ депутатлари Нурота тумани Кенгаши 2019 йил 18 декабрдаги LIX/288 сонли қарорига 4-илова

Умумдавлат солиқларидан Нурота туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри

Фойда солиғи	Айланмадан солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Йиғимлар	Ижара тўловлари
100	100	30	100	100	100	100